

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
TERMIZ MUHANDISLIK – TEXNOLOGIYA INSTITUTI**

**RESPUBLIKA JANUBIDA ELEKTR ENERGETIKA SOHASINING  
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI  
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY – TEXNIK ANJUMAN**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ  
ОТРАСЛИ НА ЮГЕ РЕСПУБЛИКИ**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE  
PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE ELECTRIC POWER  
SECTOR IN THE SOUTH OF THE REPUBLIC**

**II**

**16-17-DEKABR**



**TERMIZ – 2022**

*"RESPUBLIKA JANUBIDA ELEKTR ENERGETIKA SOHASINING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI"*  
*XALQARO ILMIY- TEXNIKA ANJUMANI*

**O‘ZBEKISTON RESPULIKASI**  
**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**  
**TERMIZ MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI**

**"RESPUBLIKA JANUBIDA ELEKTR ENERGETIKA SOHASINING RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI"**

*XALQARO ILMIY-TEXNIK ANJUMAN*  
*MATERIALLAR TO‘PLAMI*

*СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ*  
*МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО -ТЕХНИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ*

**"ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ НА ЮГЕ  
РЕСПУБЛИКИ"**

16-17 - Dekabr 2022 - yil

**TERMIZ**  
**2022**

## **ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФИЗИКА ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

***Паянова Ф., Термиз мухандислик- технология институти ассисенти***

**Аннотация.** Ушбу мақолада илгари сурилган муаммо, ҳозирги вақтдаги долзарб мавзу талабаларнинг замон талабларига мослашиб фан техника ютуқларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб борадиган жараён ҳисобланади. ХХІ асрдаги таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири- техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг олган билимларини ҳаётда қўллай олишларига бўлган талаб, ДТСлари ва дастурларининг такомиллаштирилиши, бошқача қилиб айтганда, компетенциявий ёндашувнинг таълим тизими мазмунига сингдирилиши, унинг таълим натижаларига эришиш концепциясини шакллантиришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, ИТ, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди. Жаҳон таълим тизимида ҳамзамон талабларига мос мухандис кадрларни тайёрлаш мавзу долзарб мавзу ҳисобланади.

**Калит сўзлар.** Мухандислик ,технология, машинасозлик, электротехника. Концепциясини, энергия ,технологиялар, мухандис ,кадрлар.

**Мавзу мақсади.** Компетенциявий ёндашувнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш.

Таълим масаласи муттасил тарзда замон талабларига мослашиб, фан-техника ютуқларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб борадиган жараён ҳисобланади. ХХІ асрдаги таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири- техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг олган билимларини ҳаётда қўллай олишларига бўлган талаб, ДТСлари ва дастурларининг такомиллаштирилиши, бошқача қилиб айтганда, компетенциявий ёндашувнинг таълим тизими мазмунига сингдирилиши, унинг таълим натижаларига эришиш концепциясини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5032-сон қарорида “физика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш” бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бу эса физика фанини ўқитиш методикасининг мазмунини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, ИТ, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди” деб таъкидлаб ўтган .

Таълимда компетенциявий ёндашувга оид материаллар таҳлили асосида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин..

“Компетенция” ва “Компетентлик” сўзлари илк бор илмий адабиётларга кириб кела бошлади. Масалан, тилшунослик назариясига нисбатан компетенция атамасининг америкалик лингвист Н.Хомский томонидан “Синтаксис назарияси аспектлари” номли асарида “Компетенция (ўз тилини биладиган, гапирадиган, эшитадиган) истеъмол қиладиган (аниқ ҳолларда тилдан реал фойдаланадиган) фундаментал фарқни ажратамиз” ёки “инсоннинг қандайдир фаолиятни бажариш қобилиятидир” деган фикрларини келтириб ўтиш мумкин .

Г.А.Асилова диссертация ишида «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари бўйича берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда «компетенция» – маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; «компетентлик» муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир деб таърифлаган.

Ж.Э.Усаров ўз илмий ишларида компетенциянинг «маълум соҳа ёки йўналишдаги тажриба ва билимлар, фаолиятни амалга оширишга бўлган тайёрликнинг намоён бўлиши

ҳамда шахснинг турли ностандарт ҳолатларда муваффақиятли ҳаракат қила олишидир» таърифни кўрсатиб ўтган.

Б.Х.Ходжаевнинг фикрича «компетенция янги шахсий тажрибани ўзлаштиришга доир ўз-ўзини ривожлантиришга доир ҳаракатларини интеграциялашга хизмат қилади».]. Н.А.Муслимов компетентлик алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланиши эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегрatív билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилиши эканлини таъкидлайди.

Компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари Ю. Асадов, Н.Турдиев С.Акбарова, Д.Тумировнинг тадқиқот ишларида тизимлаштирилиб тавсифланган . Р.Файзуллаев ] таълим жараёнида ахборот компетентлигини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган тадқиқотлар олиб борган.

Компетенция ва компетентлилик тушунчалари юзасидан кўплаб олимлар, мутахассислар фикр билдиришди. Масалан, Ж.Равеннинг “Замонавий жамиятда компетентлилик” номли монографик асарида: “у кўплаб миқдордаги компонентлардан ташкил топган бўлиб, улардан кўпчилиги бир-бирига нисбатан мустақил ..., айрим компонентлар кўпроқ когнитив соҳага тегишли, бошқалари – ҳис-туйғу соҳага тегишли . Бу компонентлар ўз-ўзини самарали бошқаришда бир-бирини тўлдириши мумкин” деган фикрни илгани суради. ХХІ асрда таълим бўйича халқаро Европа кенгашида Ж.Делор “Таълим- яширин хазина” номли маърузасида “таълим таянадиган тўртта устунни” тушунтириб беради: билишни ўрганиш, бажаришни ўрганиш, биргаликда яшашни ўрганиш, яшашни ўрганиш .

Бу тушунчалар компетентлиликнинг асосий мазмунини очиб беради. Ж.Делор фикрича, бажаришни ўрганиш дейилганда, нафақат касбий малакага эга бўлиш, балки кенг маънода компетентли бўлиш, яъни гуруҳларда ишлай олиш ва иш пайтида юзага келадиган кўплаб мураккаб вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кета олишни тушунтирди. Таъкидлаш жоизки, “компетентлилик” тушунчаси билан биргаликда, унинг синоними сифатида “малакалар базаси” термини ишлатилган ҳоллар ҳам мавжуд .

Хусусан, А.К. Маркованинг ишларида меҳнат психологияси контекстида касбий компетентлилик махсус предмет сифатида қаралган бўлса, ўқитувчи компетентлиликка тегишли бўлган ишлар Л.А.Петровская , Н.В.Кузьмин ва бошқалар томонидан илгари сурилган.

Қабул қилинган компетенциялар мазмуни ишлаб чиқилган, тегишли таклиф ва тасвиялар берилган бўлса-да, уларга берилган таърифлар кенг ва ранг-баранглиги, шу билан бирга уларнинг барчаси маълум йўналишларни қамраб олганлиги билан ўз ўрнига эга. В.И.Байденко компетенция тушунчасига бериладиган таърифта баъзи ўзгартиришлар киритишни кўрсатади. Мазкур компонентлар тўплами инсонга мақсадни белгилаш, муваффақиятга эришиш ҳамда белгиланган фаолият соҳасида ривожланиш имконини беради. Бу тушунчалар орқали қуйидаги хулосага келиш мумкин. Компетенция-бу маълум соҳа ёки йўналишдаги тажриба ва билимлар, фаолиятни амалга оширишга бўлган тайёрликнинг намоён бўлиши ҳамда шахснинг турли ностандарт ҳолатларда муваффақиятли ҳаракат қила олиши. Компетенция тушунчасига берилган мазкур таъриф, шахснинг ўқиш жараёнида эгаллаган билим ва тажрибасини кўрсатади.

А.А.Вербицкий Б.Ермаковалар компетенциявий ёндашув “умумий ўрта ва олий таълим сифатини оширишнинг бош йўли бўлиб, уни модернизациялашда таянч методология позициясини ишонч билан эгаллайди” деб ҳисоблайдилар . Бу муаллифлар таълим тизимини муваффақиятли равишда жалб қилиш учун педагогик тизимнинг барча бўғинларига қуйидаги фикрлар муҳим аҳамиятли эканлигини таъкидладилар:

- таълим таркиби ва мазмунини ўзгартириш: алоҳида бир-биридан ажралган турли ўқув фанларида тўпланган назарий тушунчалардан, атроф-олам ҳақида универсал тасаввур берадиган ҳамда ўзининг амалий ва ижтимоий кўникмалари орқали амалга оширадиган методларга ўтиш;

- ўқитишнинг мақсади ва натижаларига бўлган ёндашувни ўзгартириш: олинган ахборотни талабалар томонидан содда ўзлаштиришдан ижтимоий ва интеллектуал маданиятга сингдириш орқали инсон атроф олам образини сифат жиҳатидан шакллантиришга ўтиш;

- ўқитувчининг педагогик фаолияти таркибига ўзгаришлар киритиш: ўқув материални бир томонлама баён қилишдан талабалар билан диалог олиб боришга ўтиш; талаба шахсини самарали ривожлантириш:

- олий таълим муҳитига компетенциявий ёндашувни киритиш; оммавий ахборот воситалари, ижтимоий борлиқ, оила, мамлакат, маданият ва ҳ.к. ўзгаришлар киритиш; технологик таъминотни ислоҳ қилиш:

- талабалар фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологияларга ўтиш; таълим тизимининг ташкилий, кадрлар, моддий-техника ва молиявий таъминотини кучайтириш.

Техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг олган билимларини ҳаётда қўллай олишларига бўлган талаб бу - ДТСлари ва дастурларининг такомиллаштирилиши, бошқача қилиб айтганда, компетенциявий ёндашувнинг таълим тизими мазмунига сингдирилиши, унинг таълим натижаларига эришиш концепциясини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Бу талабаларнинг келиб чиқишига техника олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимини янгилашнинг заруратлари, техника олий таълим муассасалари жамоатчилиқни қониқтирмай қўйганлиги, талабаларнинг олган билимларини қайта намоён қила олишса-да, лекин уни мустақил равишда кундалик ва келажак фаолиятида қўллай олишга ишлашга тайёр эмаслигида.

А.И.Субетто фикрича, компетенциявий ёндашувни амалдаги билим, кўникма ва малакалар тизимига қўшимча сифатида қараш мумкин. Европа тажрибасига таянган ҳолда, бугунги кунда олий таълим тизимида компетенциявий ёндашувдан самарали фойдаланиш шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга имконият туғдиришини қайд этиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, Европа таълим тизими учун кейинги ўн йилликда пайдо бўлган компетенциявий ёндашув тушунчаси табиий бўлса, Ўзбекистон таълим тизими учун янгилик ҳисобланади. “Компетенциявий ёндашув” атамасининг пайдо бўлиши ўз навбатида педагогиканинг ўзига хос мавжуд категориялар тизимини қайта кўриб чиқиш масаласига таъсир қилди.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим бугунги кунда ўзининг етарли даражада илмий ва методик жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги сабабли баъзи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва турли мулоҳазаларга сабаб бўлувчи мавзу ҳисобланади. Ҳозирги кунда компетенциянинг барқарор таърифи мавжуд эмас. Компетентлилик ва компетенция тушунчалари турлича талқин қилинади. Жумладан, Б.А.Введенский муаллифлигида ёзилган “Энциклопедик луғат”ида шундай таъриф берилади: “Компетенция – бу ваколатлар доираси, мазкур шахс билими, тажрибаси орқали эгаллаган саволлар доираси”, яъни инсоннинг у ёки бу фаолияти соҳасида муҳокама қила оладиган ва эга бўлган билимлари.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда талаба шахсий мақсадлари ва вазифалари билан таълим жараёнининг асосий иштирокчисига айланади. Ушбу ёндашув талабани фаол, онгли фаолиятга жалб қилиш, ахборот, коммуникатив, таълим ва билиш қобилиятларини, шахсий салоҳиятини ривожлантириш, ўз-ўзининг кадр-қимматини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантиришга имкон беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

6. Ў.Н.Султонова “устройство для контроля физико-химических параметров питьевой воды”. “техника ва технологик фанлар соҳаларининг инновацион масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжумани.-.: 2020 йил 22 сентябрь. -с. 393-395 б.

7. Ў.Н.Султонова ў.н. .“физикани ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш”. “техника ва технологик фанлар соҳаларининг инновацион масала-лари” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжумани. -.:2020 йил 22 сентябрь. - 410-412. Б

8. Ў.Н.Султонова ў.н. Formation of basis competences for students bu solving problems in physics. Page-:107-114 vol 7 no 11.2019.
9. Б.Тўраев, султонова ў.н. физикадан савол ва масалалар тўплами дарслик.-т.:2021. - 365 бет.
10. Султонова ў.н., султонов с.н. автоматизация эксперимента в лабораторном комплексе по механике. //высшая школа.-.: 2018, 24 сон. 32-33.б
11. Султонова ў.н. кадилова н.т. султонов с.н. жиянова с.и. паянова с.қ. “technology to improve the methods of teaching physics in higher education based on a competency approach (on the example of training technical engineers)” european journal of molekular & klinikal medicine issn 2515-8260 volume 7 issue -.:2020 й, 365-374.б
12. Султонова ў.н. тўраев б.э. султонов с.н. “физика фанидан муаммоли масалалар ечишда компетенциявий ёндашув” выпуск 6 (50) f.a mamadaliev, egyptian triangle (books 1, 2,3) t/ “renessans press”-.: 2018 й, 144-149.б

## **TA’LIM MUASSASALARIDA TALABALARNI BILIM OLIISHIDA FSMU PEDOGAGIK TEKNOLOGIYALARNI O’RNI VA AHAMYATI.**

***Qarshiboyeva Dिल्фуза Ulug’bek qizi, Talaba (JDPU)***

***E-mail: [qarshiboyevadिल्фуза8@gmail.com](mailto:qarshiboyevadिल्фуза8@gmail.com)***

Hozirgi kunga kelib ta’lim muassaslarida talabalarni bilim olishlari uchun yetrarlicha sharoitlar yaratilmoqda. Yurtboshimizni sayi harakatlari natijasida mamlakatimizda oliy ta’lim muassasalari safi kundan kunga ko’payib bormoqda. Oliy ta’lim muassasalarini oldiga qo’yan maqsadi esa bilimli kadrlarni tayyorlash. Mamlakatimizdagi oliy ta’lim muassasalari dunyo reytingida kuchli 500 talik oliy ta’lim muassasalari qatoridan o’rin olishmoqda. Mamlakatimizda kadrlar tayyorlash milliy dasturini bosqichma-bosqich va muvaffaqiyatli amalga oshirish ko’p jihatdan o’qituvchi faoliyati, uning kasbiy nufuzini oshirish bilan bog’liq hisoblanadi. Shunday ekan, sog’lom va har tomonlama barkamol avlodni yetishtirish uzluksiz ta’lim tizimida mehnat qilayotgan pedagogning saviyasiga, tayyorgarligiga va fidoyiligiga, uning yosh avlodni o’qitish va tarbiyalash ishiga bo’lgan munosabatiga bog’liqdir. O’qituvchi jamiyatning ijtimoiy topshirig’ini bajaradi, har tomonlama yetuk mutaxassislarini tayyorlashda o’qituvchi muayyan ijtimoiy-siyosiy, pedagogik va shaxsiy talablarga javob berishi lozim. Shunday ekan, o’qituvchi mustaqillik g’oyasiga e’tiqodli, har tomonlama rivojlangan ilmiy tafakkurga ega, kasbiga tegishli ma’lumoti bor, ya’ni o’z fanining chuqur bilimdoni, pedagogik muloqot ustasi, pedagogik-psixologik va uslubiy bilim hamda malakalarni egallagan bo’lishi hamda turli pedagogik vazifalarni tezda yechishi, vaziyatlarni sezishi, o’rganishi va baholay olishi kerak. U pedagogik ta’sir ko’rsatishning eng maqbul usul va vositalarini tanlay olish qobiliyatiga ham ega bo’lishi lozim.

Mustaqil O’zbekistonning kelajagi bo’lgan avlodni tarbiyalash nozik, nihoyatda katta diqqat-e’tiborni talab qiladigan, ichki ziddiyatli jarayondir. Shunday ekan, o’qituvchi o’quvchi yoki talabaning shakllanish jarayonini zo’r havas va sinchkovlik bilan kuzatishi lozim. U pedagogik jarayonni boshqarar ekan, pedagogik bilim va mahorat egasi bo’lishi lozim. Shundagina o’qituvchi pedagogik hodisalarning mohiyatini va dialektikasini, pedagogik mehnat metodi, kasb va texnologiyasini va professional pedagogikani tushunib yetadi. Pedagogik bilim va mahorat egasi bo’lgan o’qituvchi, avvalo, pedagogika fanining metodologik asoslarini, shaxs rivojlanishining qonuniyatlari va omillarini, kadrlar tayyorlash milliy dasturining mohiyati, maqsad va vazifalarini bilishi kerak. Ta’lim tizimida mehnat qilayotgan pedagoglarning ko’pchiligi ta’lim va tarbiya jarayonida pedagogik mahorat ning zaruriyati va ahamiyatini tobora chuqur anglab bormoqdalar.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da zamonaviy pedagogik texnologiyalami joriy qilish va o’zlashtirish zarurligi ko’p marta takrorlanib, ularni o’quv muassasalariga olib kirish zarurati uqtirilgan. Respublikamizning taniqli olimlari ilmiy asoslangan, mintaqamizning ijtimoiy-pedagogik sharoitiga moslashgan pedagogik texnologiyalari yaratish va ularni ta’lim-tarbiya amaliyotida qo’llashga intilmoqdalar. Bular orasida J.G’.Yo’ldoshev, S.A.Usmonov, N.S.Sayidahmedov, R.H.Jo’rayev, Q.Y.Yo’ldoshev kabi ta’lim-tarbiyaj arayonlari fidoiylarining

|      |                                                                                                                                                                                                                                                                                     |     |
|------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 85.  | <b>Jo‘rayeva Shohista Choriyevna</b> - Ona tili va adabiyot darslarida interfaol metodlardan foydalanish                                                                                                                                                                            | 281 |
| 86.  | <b>Mingyasharova Sevara Abdulla qizi</b> - Bo‘lajak muhandislarning kasbiy kompetensiyalarini axborotlashgan ta’lim muhitida rivojlantirish                                                                                                                                         | 284 |
| 87.  | <b>Mirxaydarov Mirobid Mirsobitdinovich, Ubaydullaev Bobur, Saloxitdinov Farrux</b> - Автоматизированная система подготовки и составления отчетов к лабораторным работам по курсу «основы электропривода»                                                                           | 287 |
| 88.  | <b>Мирзаев Р.К., Бабамуратов К.Х., Карабаев И.Т., Холмирзаев И.Ж., Курбоназаров С.Э.,</b> - Специалисты нового поколения и требования, предъявляемые к ним (современное состояние и перспективы подготовки специалистов по электрооборудованию, измерительной технике и автоматике) | 292 |
| 89.  | <b>Мирзаев Р.К., Бабамуратов К.Х., Холмирзаев И.Ж., Курбоназаров С.Э., Алимназаров О.</b> - Информационные технологии обучения в высшем образовании                                                                                                                                 | 298 |
| 90.  | <b>Mustafakhulova Mokhirabonu</b> - Communicative language teaching method                                                                                                                                                                                                          | 301 |
| 91.  | <b>Nazarov Abdulla Abduvakhob ugli</b> - Bo‘lajak muhandis o‘qituvchilarining metodik kompetentligini shakllantirish omillari                                                                                                                                                       | 305 |
| 92.  | <b>Normurodov Sharofiddin</b> - Fizika-matematika faninini o‘qitishda fanlararo aloqadorlikning ahamiyati.                                                                                                                                                                          | 309 |
| 93.  | <b>Nurmamatov Zuxriddin Shavkat o‘g‘li</b> - Uzluksiz ta’limda o‘qituvchilar faoliyatini boshqarishning innovatsion yondashuvlari                                                                                                                                                   | 311 |
| 94.  | <b>Olimova Odinaxon Sotvoldiyevna</b> - Ta’limda qo‘llaniladigan eng yaxshi texnologik innovatsiyalar                                                                                                                                                                               | 313 |
| 95.  | <b>Panjiev KH.U.</b> - Collection of information in the system of internal management of educational institution and its pedagogical analysis                                                                                                                                       | 315 |
| 96.  | <b>Паянова Ф.-</b> Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитишда компетенциявий ёндашувнинг ҳозирги ҳолати                                                                                                                                                                     | 319 |
| 97.  | <b>Qarshiboyeva Difuza Ulug‘bek qizi</b> - Ta’lim muassasalarida talabalarni bilim olishida fsmu pedagogik texnologiyalarni o‘rni va ahamiyati.                                                                                                                                     | 322 |
| 98.  | <b>Qarshiboyev Javohir Ulug‘bek o‘g‘li, Qarshiboyeva Difuza Ulug‘bek qizi</b> - Texnika oliy ta’lim muassasalarida chet tillarini o‘qitishga qaratilgan zamonaviy yondashuvlar.                                                                                                     | 325 |
| 99.  | <b>Qudratova Zilola Xudoyberdiyevna</b> - Innovatsion texnologiyalar                                                                                                                                                                                                                | 328 |
| 100. | <b>Qudratova Zilola Xudoyberdiyevna</b> - Modulli ta’lim texnologiyasi                                                                                                                                                                                                              | 331 |
| 101. | <b>Qudratova Zilola Xudoyberdiyevna</b> - Zamonaviy ta’lim texnologiyalar asosida o‘quvchilar bilimini yuksaltirish                                                                                                                                                                 | 333 |
| 102. | <b>Qurbonazarov Suhrob Erkin o‘g‘li, Jumayev Murodullo Baxtiyor o‘g‘li</b> - Robototexnikaning ta’lim tizimida qo‘llanilishi                                                                                                                                                        | 336 |
| 103. | <b>Қодирова М.З.</b> - Таълим технологиясининг инновацион модели                                                                                                                                                                                                                    | 338 |
| 104. | <b>Qurbonazarova Shaxzoda Erkin qizi</b> - Case – study o‘qitish metodi                                                                                                                                                                                                             | 343 |
| 105. | <b>Qurbonazarova Shaxzoda Erkin qizi To‘rayeva Gulyuz Xushboqovna</b> - Faol tipdagi o‘quv jarayonini qurish tamoyillari                                                                                                                                                            | 345 |
| 106. | <b>Раҳмонов Мирзохид Шавкатович</b> - Талабаларнинг билим олиш сифатини яхшилашда инновацион мультимедияли электрон дарсликлардан фойдаланиш технологияси                                                                                                                           | 348 |
| 107. | <b>Rahmonqulov Muhammadjon Xamraqulovich, Nosirov Nodirbek Valijonovich</b> - Texnologoya fanini o‘qitishda innavatsion ta’lim texnologiyalaridan foydalanish                                                                                                                       | 351 |
| 108. | <b>Содиқов Н. О., Содиқов М.Н., Эргашев А.Ж.</b> - Использование интерактивных методов в обучении                                                                                                                                                                                   | 355 |